

БЮДЖЕТ МАБЛАГЛАРИНИ КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ АСОСИДА ЙЎНАЛТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11521682>

Хамидов Хабибулло Хикматулла ўғли

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия
вазирлиги Давлат бюджети департаменти бош
иктисодчиси (PhD), мустақил изланувчи

Аннотация. Уибу мақолада тадқиқотимиз давомида ўрганилган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ташкил этилган “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жорий йилда ўтказилаётган “Ташаббусли бюджет” жараёнлари доирасида амалга оширилаётган ишлар, фуқаролар томонидан билдирилган таклифлар, овоз берии жараёнлари, ва голиб деб топилган таклифларни молиялаштириши ҳолатлари юзасидан ҳуқуқий ва таҳлилий маълумотлар ҳамда ташаббусли бюджетлаштириши тизимида галдаги янги амалга аширилиши кутиласиётган ишлар ёритилган.

Таянч сўзлар. Ташаббусли бюджет, Очиқ бюджет, ахборот порталы, давлат бюджети, жамоатчилик фикри.

Аннотация. В данной статье представлена правовая и аналитическая информация о работе, проведенной в рамках процессов «Инициативный бюджет», проведенных в текущем году через информационный портал «Открытый бюджет», организованный Министерством финансов Республики Узбекистан, предложениях, внесенных гражданами, процессах голосования и случаях финансирования предложений, признанных победителями, а также о работе, проделанной в рамках проекта «Открытый бюджет»

Ключевые слова. Инициативный бюджет, Открытый бюджет, информационный портал, государственный бюджет, общественный мнения.

Annotation. This article presents legal and analytical information on the work carried out within the framework of the «Initiative Budget» process conducted this year through the «Open Budget» information portal organized by the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan, proposals submitted by citizens, voting processes and cases of financing proposals recognized as winners, as well as on the work done within the framework of the «Open Budget» project.

Keywords. Initiative budget, Open budget, Citizens' budget, information portal, state budget, Citizens' opinion

Умумий маълумот.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг молия, банк, солиқ тизимидағи ислоҳотлар жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бугунги кунда бюджет-солиқ сиёсати борасида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар марказида бюджет даромадлари ва харажатларининг самарадорлигини ошириш муҳим вазифа ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чукурлаштириш шароитида

бюджет-солиқ тизимини ҳам такомиллаштиришни доимий равишида тақозо этади.

Маҳаллий бюджетлардан харажатларни молиялаштиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш маҳаллий ижроия ва вакиллик органлари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Одатда, ушбу масалалар билан бюджет жараёнида иштирок этувчи турли ваколатли органлар шуғулланадилар. Аммо, маҳаллий ижроия ва вакиллик органлари эътиборидан четда қоладиган муаммолар ҳам мавжуд.

Маълумки, фуқаролар ўз яшаш жойлари (маҳалла, туман, шаҳар)даги турли ижтимоий-иктисодий муаммоларини яхши билишади ва фуқаролар томонидан таклиф этилган лойиҳалар аксарият ҳолларда асосли ҳисобланади. Чунки, маълум бир жойда узоқ вақт яшаётган фуқарогина биринчи навбатда қандай масалаларни ҳал қилиш кераклигини қўрсата олади.

Ташабbusли бюджет жараёнларини жорий этган ҳар бир давлатнинг ўзига хос моделлари мавжуддир бунда мазкур давлатнинг қабул қилган норматив-хуқуқий ва тегишли қонун ҳужжатлари дастури амал вазифасини бажаради.

Ташабbusли бюджетлаштириш - бу фуқаролар томонидан билдирилган таклифларга асосан, уларни ташабbusларини ҳисобга олган ҳолда бюджет маблағларининг бир қисмини тақсимлаш ва ушбу тақсимланган маблағларни фуқаролар томонидан илгари сурилган (ижтимоий аҳамиятга эга) тегишли таклифларга йўналтириш яъни молиялаштириш амалиётидир.

Мазкур бюджет амалиётини Ғарбий ва Шарқий Европадаги 20 дан ортиқ давлатлар, Лотин Америкаси, АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея ва бошқа кўплаб давлатлар муваффақиятли қўлламоқда.

Юртимизда сўнги йилларда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва фуқароларни қийнаб келаётган ижтимоий-иктисодий муаммо ҳамда камчиликларни ҳал этиш бўйича бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда, жойларда инфратузилмаларни яхшилаш ҳамда тизимли муаммога айланиб

улурган йўл таъмираш, ичимлик суви таъминоти, табиий газ ҳамда таълим муассасалари биноларини таъмираш сингари муаммоларни ҳал этиш пировард мақсадлардан ҳисобланади.

Мазкур жараёнларда фуқароларни жалб этиш ва бюджет маблағлари сарфланишида аҳолининг ўз фуқаролик позицияларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда ўзларини қийнаб келаётган ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилишида иштирок этиш механизми ташкил этилганлигини кузатиш мумкин.

Фуқароларнинг бюджет жараёнида иштирок этиши шаффофлик ва очиқликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, бу орқали давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва коррупция ҳолатларининг олдини олишга хизмат қиласди.

2019 йилдан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури кўмагида жамоатчилик ихтиёрига “Очиқ бюджет” ахборот портали ишга туширилди ва “Ташаббусли бюджет” жараёнлари ўтказилиб келинмоқда. 2021 йилдан эса мазкур жараёнлар тўлиқ такомиллашган ҳолда янгиланган талқинда ўтказилиб келинмоқда.

“Ташаббусли бюджет” жараёнларидан кутилаётган асосий мақсад:

- Аҳолининг бевосита йиллар давомида анъанавий бюджет тизимида қамраб олинмаган муаммоларини ҳал этиш;
- Аҳолининг бюджет саводхонлигини ошириш ва бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишига кўмак бериш;
- Фуқаролик жамиятининг ҳамжиҳатлик билан шаклланишига эришиш;
- Эътибордан четда қолаётган айrim ижтимоий масалаларни фуқаролик жамияти билан биргаликда ҳал этиш;
- Маҳаллий ҳокимият ва фуқаролар томонидан тегишли худудда муҳим аҳамиятга эга соҳалар учун биргаликда қарорлар қабул қилиш;
- Фуқароларни худудда амалга оширилаётган ислоҳотлар йўналишларига мос равишда сарфланаётган маблағлар тўғрисида хабардор қилиш;

Эришилган натижалар

Мамлакатимизда 2019 йилдан буён ўтказилиб келинаётган Ташаббусли бюджет жараёнлари мазкур соҳанинг инсонлар ҳаётидаги ўрни қанчалик долзарблиги ва ушбу жараён жамиятимиздаги мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этишда муҳим “дастак” сифатида хизмат қилишини яна бир бор исботлаб берди.

2021 йил сарҳисоби

2021 йилда ўтказилган ташаббусли бюджетлаштириш жараёнида фуқаролардан келиб тушган мурожаатларда баён этилган ўринли ва долзарб муаммоларни қисқа муддатларда бартараф этиш, давлат бюджетини шакллантириш ва худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига аҳолини фаол жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ – 5250 – сон қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-5072-сон қарорига асосан “Очиқ бюджет” ахборот портали 2021 йилнинг 1 июлидан бошлаб, республиканинг барча туман ва шаҳарларида жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш ва молиялаштириш бўйича лойиҳа тўлақонли ишга туширилган.

2021 йилда янгилangan талқинда ўтказилган дастлабки “Ташаббусли бюджет” жараёни уч босқичда ўтказилиб, бунга кўра кўра “Очиқ бюджет” ахборот порталида рўйхатдан ўтган фуқаролар томонидан жами 41 125 та таклифлар билдирилган.

Келиб тушган таклифлар таҳлилига кўра, фуқароларни энг кўп қийнаб келаётган муаммолар сифатида 13 853 та (жами таклифларнинг 34 фоизи) таклиф ички йўлларни таъмирлаш ва тартибга келтириш билан боғлиқ муаммоларни ташкил этган. Билдирилган таклифлар худудлар кесимида

олинганда, энг кўп таклифлар келиб тушган ҳудудлар Қорақалпоғистон Республикаси – 6 523 та, Бухоро вилояти – 5 651 та, Наманган вилояти – 4 414 тани ташкил этган.

Келиб тушган таклифлардан 21 833 таси (53 фоиз) ҳудудларда ташкил этилган ишчи комиссия томонидан белгиланган мезонларга мувофиқ деб топилиб, овоз бериш жараёнига ўтказилган. Овоз бериш жараёни давомида мамлакатимиз бўйлаб жами 1 149 минг нафар фуқаролар ўзларини қизиқтирган таклифларга овоз бердилар. Шундан, Порталда рўйхатдан ўтган ҳолда 95,0 минг, СМС қисқа хабар орқали – 988,4 минг та ҳамда интернет тармоғига уланиш имкониятига эга бўлмаган фуқаролар учун жорий этилган оффайн тизим орқали – 65,9 минг та овозлар келиб тушган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 сентябрдаги ПҚ – 5250 – сон қарорига асосан, туман (шаҳар) ҳокимликлари қошида ташкил этилган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га (Жамғарма) Республика бюджетидан жами 117,4 млрд сўм маблағлар қуидагилардан келиб чиқиб йўналтирилган:

- Жамғармада 1 млрд сўмдан кам маблағ шаклланган туман ва шаҳарлар учун қўшимча 57,9 млрд. сўм;
- “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали келиб тушган таклифлар сони 100 тадан ортиқ бўлган туман ва шаҳарларга қўшимча 59,5 млрд. сўм маблағлар йўналтирилган.

Якуний маълумотларга кўра овоз бериш жараёнига ўтказилган жами 22 966 та таклифлардан 530,5 млрд. сўмлик 1 599 та таклифлар ғолиб деб топилган.

2022 йил сарҳисоби

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 21-мақсадига асосан жорий йилдан бошлиб барча туман ва шаҳарлар бюджетларининг 5 фоиз қисмини фуқаролар

ташаббуси учун йўналтирилиши белгиланган. Ушбу мақсадлар учун жорий йилда туман ва шаҳар бюджетлари ҳисобидан 1,5 трлн сўм ҳамда туман ва шаҳар бюджетлари қўшимча маблағларининг камида 30 фоиз қисми ҳисобидан қарийб 400 млрд сўм йўналтирилди.

Шунингдек, 2022 йилда ўтказилган “Ташаббусли бюджет” жараёнларида Республика бўйлаб фуқаролар томонидан 131 мингдан ортиқ лойиҳалар илгари сурилди. Келиб тушган лойиҳалар саралаш босқичидан ўтказилиб, жамоат манфаатларига хизмат қилувчи 77,9 мингта лойиҳалар “Ташаббусли бюджетнинг” лойиҳасининг овоз бериш жараёнларига ўтказилди. Овоз бериш жараёнига ўтказилган лойиҳаларни ёқлаб фуқаролар томонидан 14 миллиондан ортиқ овозлар берилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 апрелдаги “Туман ва шаҳар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш жараёнларида фуқароларнинг иштирокини янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПҚ-197 сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги “Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш қўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-409 сон қарорларига асосан 2022 йилнинг иккала мавсуми доирасида ҳар бири 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган жами 503 та лойиҳаларни ҳам қўшимча равишда ғолиб деб топилиб 420 млрд сўм маблағ ажратилиб йил яқунларига кўра, жами ғолиб деб топилган жами 4 136 та лойиҳа учун 2,5 трлн сўм маблағлар йўналтирилган.

2023 йил сарҳисоби

Жорий йилда ўтказилган “Ташаббусли бюджет” жараёнларида Республика бўйлаб фуқаролар томонидан 105 мингдан ортиқ лойиҳалар илгари сурилди. Келиб тушган лойиҳалар саралаш босқичидан ўтказилиб, жамоат манфаатларига хизмат қилувчи

67,1 мингта лойиҳалар “Ташаббусли бюджетнинг” лойиҳасининг овоз бериш жараёнларига ўтказилди. Овоз бериш жараёнига ўтказилган лойиҳаларни ёқлаб фуқаролар томонидан 34 миллиондан ортиқ овозлар берилди.

Бунда, республикамизнинг 9 444 та маҳалладан деярли барча маҳаллалар ўз лойиҳалари билан иштирок этдилар.


Ғолиб лойиҳалар соҳалар кесимида таҳлил қилганда, 1 605 та умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва жиҳозлаш тадбирлари, 1 076 та ички йўлларни таъмирлаш лойиҳалари, 595 та соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш, 184 та Мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш, 125 та кўча чироқларини ўрнатиш ёки таъмирлаш, 63 та ичимлик суви ва оқаватизимини яхшилаш тадбирлари ғолиб деб топилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 апрелдаги “Ташаббусли бюджетлаштириш амалиётини янада такомиллаштириш ҳамда фаол маҳаллаларни қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-117 сон қарорига асосан 2023 йилнинг февраль — апрель ойлари давомида ўтказилган ташаббусли бюджет жараёнларида ҳар бири 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган 1309 та лойиҳани амалга ошириш учун 1 311 млрд сўм маблағ ажратилиб йил якунларига кўра иккала мавсум доирасида ғолиб деб топилган жами 4 183 та лойиҳа учун 4,115 трлн сўм маблағлар йўналтирилган.

Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда фуқаролар манфаатлари учун яратилаётган қулайликлар, яшаш турмуш тарзини яхшилаш билан боғлиқ амалиётга татбиқ этилаётган ижобий ўзгаришларни қўпгина соҳаларда кўришимиз мумкин. 2019 йилдан буён ўтказилиб келинаётган “Ташаббусли бюджет” жараёни ҳам шулар жумласидандир. Жараёнлардаги фуқароларнинг иштироки тенденцияси ўсиб бориши ҳам ушбу жараёнларни фуқароларни кундалик ҳаётида кундан-кунга долзарб тус олаётганлигини қўйидаги инфографика орқали ҳам кўришимиз мумкин.

1-расм

Ташаббусли бюджет жараёнга фуқароларнинг жалб этилиши йиллар кесимида



"Очиқ бюджет" ахборот порталида ўтказилган Ташаббусли бюджет жараёни натижалари

тўғрисида йиллар кесимида

МАЪЛУМОТ

T/p	Худуд номи	2021 йил жами*				2022 йил жами				2023 йил жами			
		Ажратилган маблағ (млн)	Келиб тушган таклифлар сони	Фолиб деб топилган таклифлар сони	Берилган овозлар сони (минг)	Ажратилган маблағ (млрд)	Келиб тушган таклифлар сони	Фолиб деб топилган таклифлар сони	Берилган овозлар сони (минг)	Ажратилган маблағ (млрд)	Келиб тушган таклифлар сони	Фолиб деб топилган таклифлар сони	Берилган овозлар сони (минг)
	ЖАМИ	530 500	41 125	1 594	1 149 499	2 537	131 265	4 136	14 511 857	4 115	105 434	4 183	34 244 850
1	Қорқалпогистон Республикаси	38 600	3 501	104	221 226	122 678	15 250	234	429 618	205	5 952	225	690
2	Андиқон вилояти	38 842	1 652	149	82 908	204 992	4 740	287	1 120 357	327	5 992	297	1 600
3	Бухоро вилояти	36 278	2 329	117	106 636	143 780	14 030	282	825 963	268	6 496	297	1 106
4	Жиззах вилояти	30 999	6 523	145	75 421	124 232	6 228	165	589 312	214	3 221	200	796
5	Қашқадарё вилояти	41 380	2 404	74	95 414	238 918	9 367	332	1 432 327	410	9 862	361	2 577
6	Навоий вилояти	32 981	4 414	107	100 705	101 708	5 119	221	538 590	164	6 483	201	590
7	Наманган вилояти	38 476	5 651	107	74 111	212 575	8 981	314	1 569 070	373	6 688	425	1 485
8	Самарқанд вилояти	38 688	2 255	118	97 425	246 356	6 551	381	1 387 244	406	6 186	403	1 962
9	Сурхондарё вилояти	33 591	1 453	104	89 311	207 823	20 976	279	1 450 409	320	21 874	290	701
10	Сирдарё вилояти	24 472	2 783	103	44 582	63 793	5 178	244	357 436	93	3 353	187	1 113
11	Тошкент вилояти	43 835	2 059	105	64 196	233 775	7 469	393	1 162 416	337	5 849	360	1 319
12	Фарғона вилояти	48 168	2 206	96	18 372	304 544	6 310	436	2 407 218	490	5 840	432	2 509
13	Хоразм вилояти	34 847	2 300	154	34 215	158 392	10 336	250	897 899	241	7 987	238	1 113
14	Тошкент шаҳар	49 345	1 591	111	44 977	172 365	10 730	318	343 998	265	9 651	267	799

"Очиқ бюджет" ахборот порталида ўтказилган Ташаббусли бюджет жараёнининг натижалари

тўғрисида соҳалар кесимида йиллик

МАЪЛУМОТ

T/P	Худуд номи	Шу жумладан соҳалар кесимида							
		Жами	Умумтаълим мактабларини таъмирлаш	Ички йўлларни таъмирлаш	Ичимлик суви ва оқава тизимини яхшилаш	Кўча чироқларини ўрнатиш ёки таъмирлаш	Соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ва жихозлаш	Мактабгача таълим муассасаса-ларини таъмирлаш ва жихозлаш	Бошқа тадбирлар
	ЖАМИ	9 913	3 380	2 512	363	354	1 021	544	1 739
1	2021 йил*	1 594	367	408	131	115	64	35	474
2	2022 йил	4 136	1408	1028	169	114	362	325	730
3	2023 йил	4 183	1605	1076	63	125	595	184	535

*Изоҳ: "Ташаббусли бюджет" жараёнлари 2021 йилда эксперемент тариқасида бир маротаба ўтказилган.

"Очиқ бюджет" ахборот порталида ўтказилган Ташаббусли бюджет жараёнида қўшимча равишда ажратилган маблағлар бўйича йиллар кесимида МАЪЛУМОТ

Т/р	Худуд номи	2021 йил (Асос: ПҚ-5250)	2022 йил (Асос: ПҚ-197; ПҚ-409)		2023 йил (Асос: ПҚ-117)	
		Ажратилган маблағ (млн)	Ажратилган маблағ (млн)	Қўшимча ғолиб деб топилган таклифлар сони	Ажратилган маблағ (млн)	Қўшимча ғолиб деб топилган таклифлар сони
ЖАМИ		117 416	420 072	503	1 310 928	1 309
1	Қорақалпоғистон Республикаси	13 003	2 200	2	27 513	29
2	Андижон вилояти	17 521	43 832	49	113 706	111
3	Бухоро вилояти	11 747	19 313	30	45 820	50
4	Жиззах вилояти	10 249	28 765	28	87 760	82
5	Қашқадарё вилояти	2 625	38 748	37	141 047	128
6	Навоий вилояти	8 617	15 383	22	47 733	57
7	Наманган вилояти	7 183	46 130	55	154 421	182
8	Самарқанд вилояти	5 430	27 017	33	137 669	135
9	Сурхондарё вилояти	5 419	53 925	46	111 754	110
10	Сирдарё вилояти	8 518	5 260	23	8 445	13
11	Тошкент вилояти	5 221	35 190	39	87 603	84
12	Фарғона вилояти	13 943	81 054	106	226 238	201
13	Хоразм вилояти	7 940	23 255	33	77 609	83
14	Тошкент шаҳар				43 610	44

2021-2023 йилларда ўtkазилган Ташаббусли бюджет жараёнларида ғолиб бўлган маҳаллалар юзасидан

МАЪЛУМОТ

Т/р	Ҳудуд номи	Жами мавжуд маҳалла	Жами ғолиб бўлган маҳаллалар сони	% %	шундан					2023 йил 2-мавсумда илк маротаба ғолиб бўлган маҳалла
					2021 йил	2022 йил 1-мавсум	2022 йил 2-мавсум	2023 йил 1-мавсум	2023 йил 2-мавсум	
	Жами	9 444	4 766	50%	1 224	1 864	1 501	2 482	1 012	273
1	Қорақалпоғистон Республикаси	452	252	56%	76	105	80	115	80	22
2	Андижон вилояти	909	389	43%	92	141	110	181	76	28
3	Бухоро вилояти	544	310	57%	109	130	98	177	58	13
4	Жиззах вилояти	308	179	58%	54	75	63	112	38	4
5	Қашқадарё вилояти	822	404	49%	80	156	126	208	82	24
6	Навоий вилояти	330	203	62%	76	95	60	107	47	10
7	Наманган вилояти	788	432	55%	98	136	128	270	76	22
8	Самарқанд вилояти	1126	488	43%	91	173	146	254	99	33
9	Сурхондарё вилояти	724	361	50%	86	140	104	192	69	22
10	Сирдарё вилояти	238	180	76%	77	97	72	86	54	7
11	Тошкент вилояти	1025	447	44%	105	183	140	208	106	34
12	Фарғона вилояти	1062	548	52%	121	192	162	280	88	25
13	Хоразм вилояти	531	278	52%	82	116	95	144	56	14
14	Тошкент шаҳри	585	295	50%	77	125	117	148	83	15

Молиялаштириш манбалари

Маълумот учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги 5072-сонли “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан амалдаги тартиб ўзгартирилди, яъни туман (шаҳар)лар бюджети қўшимча манбаларининг камидаги 10 фоизи эмас, балки 30 фоизини йўналтириш ҳамда 2022 йил 1 январдан эътиборан республиканинг барча туман (шаҳар)ларида тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишига эришилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги ПҚ-409-сон “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан Жойларда фуқароларни қийнаб келаётган долзарб муаммоларни ҳал этиш миқёсини кенгайтириш мақсадида 2023 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджети қўшимча маблағларининг 30 фоизи ҳамда туман (шаҳар) бюджетларининг 5 фоизи миқдорида, бироқ камидаги 6 миллиард сўм маблағдан кам бўлмаган маблағлар ҳам фуқаролар фикри асосида шакллантирилган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилишига эришилди.

Онлайн мурожаатлар

Кенг жамоатчилик томонидан “Ташаббусли бюджет” жараёнларига оид савол, шикоят ва таклифларини тезкор равишда қабул қилиб кенг фуқаролар билан маълумот алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида 2022 йилдан бошлаб “Очиқ бюджет” ахборот порталида “Онлайн мурожаат” бўлми ташкил этилиб, фуқаролар шикоят ёки саволлар билан тўғридан-тўғри портал орқали мурожаат қолдириш модули ишга туширилган. Бугунги кунга келиб фуқаролар томонидан қарийб 2 мингга яқин мурожаатлар келиб тушган.

Дашборд

Ташаббусули бюджет лойиҳаси доирасида ғолиб деб топилган таклифларни реал вақт режимида ижросини кузатиб бориш имконияти яратилди. Эндиликда, ушбу маълумотлар асосида ҳар бир ҳудуд, жумладан туман ва шаҳар кесимида мавсумлар бўйича тўлиқ маълумотларни ўзида акс эттирувчи “интерактив доска” (Dashboard) ишга туширилди.

Ушбу досканинг афзаликлари шундан иборатки, барча маълумотлар интерактив ҳолатда бўлиб, фойдаланувчи реал-вақт кўринишида тегишли ҳудуд бўйича барча кўрсаткичлар билан танишиш имкониятига эга бўлади.

Интерактив доска ўзида қуидаги маълумотларни акс эттиради:

Умумий маълумот – тегишли мавсум бўйича келиб тушган лойиҳалар, саралаш натижалари, берилган овозлар ва ғолиблар сони, шунингдек ажратилган маблағлар ва бошқалар. Ушбу панелнинг ўзидан фойдаланувчи лойиҳаларнинг келиб тушган ҳамда ғолиб бўлган қисми билан танишиши мумкин;

Лойиҳаларнинг жорий ҳолати – ҳудудлар кесимида ғолиб деб топилган лойиҳалар учун тегишли маблағларнинг йўналтирилиши, молиялаштирилиши ҳамда бажарилган ишлар хажми юзасидан маълумотлар;

Ғолиб лойиҳалар ижроси – тегишли ҳудуд бўйича жами ғолиб лойиҳалардан қанча қисми бўйича ишлар бошланмаган, лойиҳалаштириш ёки курилиш жараёнида ҳамда якунланганлиги юзасидан маълумотлар;

Жамоатчилик назорати – ғолиб лойиҳалар ижроси бўйича ташаббускор фуқаролар томонидан амалга оширилган ишларнинг ҳолатини баҳолаш натижалари юзасидан маълумотлар.

Шуни таъкидлаш жоизки, жамоатчилик назоратини янада кучайтириш мақсадида ташаббускорлар фуқаролар томонидан лойиҳани амалга оширишда кузатилган ҳолатлар юзасидан “Фавқулодда хабар бериш” функцияси ишга туширилди. Фуқаролар томонидан аниқланган ва хабар берилган ҳолатлар ҳам “интерактив доскада” харитадаги тегишли ҳудудда акс эттирилади ва ҳолатга аниқлик киритилмагунгача ёки камчилик бартараф этилмагунга қадар назоратдан олинмайди.

Интерактив доскада акс эттирилган Ўзбекистон Республикаси харитасидан исталган ҳудуд танланган ҳолда, ушбу ҳудуддаги туман ва шаҳарлар кесимида юқорида қайд этилган кўрсаткичлар билан танишиш мумкин. Бундан ташқари, фойдаланувчиларга қулайлик яратиш мақсадида таҳлилий мақсадлар учун барча маълумотларни ҳисбот кўринишида юклаб олиш имконияти ҳам яратилди.

Яшил бюджетлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 ноябрдаги “Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, «Яшил Макон» умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-199-сон Фармони имзоланди.

Унга асосан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағларнинг камида 50 фоизи “яшил боғлар” ва “яшил жамоат парклари”ни ташкил қилиш учун “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган “Менинг боғим” лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади.

Бунда аҳоли ташаббуси билан “яшил боғлар” ва “яшил жамоат парклари”ни ташкил қилиш бўйича майдон манзили ва расмлари кўрсатилган ҳолда қиймати 250 млн сўмдан ошмаган ташабbus билдирилади. «Менинг боғим» лойиҳаларини шакллантириш ва уларга овоз бериш жараёни 2024 йилдан бошлаб ҳар йили январь-февраль ойларида ўтказилиши белгиланди.

“Ташаббусли бюджет” жараёнларини кенг жамоатчиликка сифатли тақдим этиш ва ҳар томонлама техник барқарор тизимни таъминлаш бу албатта мазкур жараённи янада такомиллаштириш, уч йилликда кузатилган камчиликларни келгусида тақрорланмаслик ҳамда жараён билан боғлиқ муаммоларни тизимли равишда ҳал этишда хорижий илгор мамлакатлар тажрибасини ўрганишни талаб этмоқда.

Мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда “Инсон қадри учун” тамойили асосида

халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон хуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларни амалга ошириш энг провард мақсадларимиздан бири ҳисобланади.

Шу ўринда, Ўзбекистонда мавжуд ижтимоий муаммо ва камчиликларни ҳал этилишида ташаббускор фуқароларимизнинг жараёнларга қизиқишлигини ва позитив ёндашувларни қўллаб-кувватлашимиз билан бир қаторда уларни манфаатларини ҳимоялаш ҳам устувор вазифаларимиздан бири ҳисобланади, зеро ҳар қандай ислоҳотлар замирида фуқаролик жамиятининг манфаатлари юқори баҳоланиши мухим омилдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 25-октябрдаги “Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-409-сонли Қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 10-апрелдаги “Ташаббусли бюджетлаштириш амалиётини янада такомиллаштириш ҳамда фаол маҳаллаларни қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-117-сонли Қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2024-йил 30-январдаги “Ташаббусли бюджет жараёнларини ўtkазиш ҳамда молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги КҚ-666-ИВ-сонли Қарори
4. www.openbudget.uz (Ўзбекистон Республикаси “Очиқ Бюджет” портали